

Фарзанд тарбияси (20-дарс)



12:08 / 29.12.2017 4851

Дарс Аллоҳнинг китобидан, ҳадиси шарифдан, зикру дуолардан ва АЛЛОҲнинг гўзал исмларидан ёдланганларини текшириш ила бошланди. Сўнгра ота: «Сизлардан муҳим бир савол сўрамоқчиман», деди.

Маҳмуд ва Фотима: «Сўранг, отажон!» дейишди.

Ота: «Нима учун ҳар бир бола онасини яхши кўради?» деди.

Маҳмуд: «Чунки она муҳаббатга ҳақлидир. У бизни ўз қорнида тўққиз ой кўтариб юрган, бизни дунёга келтирган, бизни деб кўп қийинчиликлар кўрган, бизни эмизган, касал бўлганимизда кечалари билан қараб чиққан. У бизга таълим берган, одоб берган, таомимизни, кийимимизни тайёрлаб берган инсондир. Уларнинг ҳаммаси учун онамизни яхши кўрмайликми?! Мен онамни жуда қаттиқ яхши кўраман», деди.

Фотима: «Мен ҳам уларни жуда яхши кўраман. Онам хурсанд бўлсам, хурсанд бўлдилар, хафа бўлсам, хафа бўлдилар, ўзларидан кўра кўпроқ мен учун куюнадилар», деди.

Ота деди: «Тўғри, фарзандларим, онангиз яхши кўришингиз, ҳурмат қилишингиз, итоат қилишингизга лойиқдир. Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб: «Эй Расулуллоҳ! Инсонлардан ким менинг яхшилик қилишимга ҳақлироқ?» дебди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Онанг», дебдилар. У: «Кейин ким?» дебди. У киши: «Онанг», дебдилар. У яна: «Кейин ким?» дебди. У киши яна: «Онанг», дебдилар. Шунда у: «Кейин ким?» деганида Пайғамбаримиз (с.а.в): «Кейин отанг», дебдилар. Муслмон киши онаси ва отасига яхшилик қилаверади, шунда улар ундан рози бўладилар. Муслмон онаси ва отасига итоат қилса, уларга ишларида ёрдамлашса, уларни ранжитадиган иш қилмаса, уларга овозини кўтармаса, нарсаларига тегмаса ва уйдаги тартибни бузмаса, ота ҳам, она ҳам ундан рози бўладилар. Агар ота-она рози бўлса, Аллоҳ ҳам рози бўлади.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

“Ота-она розилиги Роббнинг розилигидир”.

(Имом Термизий ривояти.)

Устоз ҳам ота-она ўрнида бўлиб, уларни ҳурмат қилиш, эҳтиром кўрсатиш, қулоқ солиб, итоат этиш лозимдир. Шунда фарзанд одобли муслмон бўлади.

Бугун тонгги ва кечки зикрлардан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Фотима розийаллоҳу анҳога васият қилган зикрларини ўрганамиз.

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَالْكَافِرُونَ
يَلْعَنُونَ عَفْرَطَ يَسْفَنَ

«Я Ҳайю, я Қойуум, бика астағийс, фаъаслиҳ лий шаний куллаҳу ва лаа такилни илаа нафсий торфата ъайн».

(Маъноси: «Эй тирик бўлган Зот, эй Қоййум бўлган Зот, Сендан ёрдам сўрайман. Ишимнинг ҳаммасини ислоҳ эт ва мени кўз очиб юмгунча ҳам ўз ҳолимга ташлаб қўйма».)

(Имом Ҳоким ривояти.)

Маҳмуд: «Бугунги дарснинг қиссасини айтиб беринг, отажон», деди.

Ота деди: «Яхши, ўғлим, бугун сизларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларига сўзлаб берган воқеани сўзлаб бераман. Бир киши саҳрога юриб борар эди. Кун жуда иссиқ бўлгани учун у қаттиқ чанқади. Олдида эса суви йўқ эди. Ҳамма жойдан сув қидира бошлади, лекин ҳеч қаердан сув топа олмади. Охири узоқдан қудуқни кўрди. Қудуққа тушиб сувдан ичди ва у ердан чиқаётганида бир итни чанқоқдан нам қумни ялаётганини кўрди, “Бу итга ҳам менга етган чанқоқлик етибди”, деди. Сўнгра махсисини ечиб, унга сув тўлдириб, итга берди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг шу иши сабабли Аллоҳ ундан рози бўлиб, олдин қилиб ўтган барча гуноҳларини кечирганини хабар берганлар».

Фотима: «Бу қисса жуда гўзал қисса экан, отажон», деди.

Ота деди: «Бугунги дарсимизни Аллоҳнинг гўзал исмлари ила тугатамиз. **Витр** (яккаю ягона, шериги йўқ, тоқ бўлган Зот), **Муқийт** (барчага ризқ-рўзини берувчи, Ундан бошқа ризқ берувчи йўқ), **Роуф** (раҳмли, шафқатли бўлган Зот), **Малик** (эга, хожа, барча нарсаларнинг, борлиқнинг Эгаси)».